

leketimiz xalqınıń derlik 50 procentin quraydı. Zamanagóy jámiyette hayal-qızlardıń barlıq rawlardaǵı nátiyjeli miynet, balalardı tárbiyalaw,

shańaraqtı bekkemlewdegi úlken xızmetlerin, jámiyettegi ornı, Jańa Ózbekstan jetiskenliklerine qosqan bahasız úlesi júdá úlken bolıp tabıladı.

Ádebiyatlar

1. Ózbekstan Respublikası Prezidenti Sh. Mirziyoyevtiń xalıq aralıq hayal-qızlar kúnine arnalǵan saltanatlı máresimdegi sóylewi. 6 mart 2019.
2. Internetten alınǵan maǵlıwmat bolıp, 31 dekabr 2022 jilǵı kórsetkish.
3. Юсупова Т.Г., Бакиев К.Т., Исхаков Б. Б. «Защита прав и интересов женщин в Узбекистане», Журнал Молодой ученый. Научный журнал. № 9, 2015 г., 887-889.
4. Алимова Д.А. «История как история, история как наука». I. Ташкент «Узбекистан» 2008 г., стр. 270.
5. «Народное слово» gazetası, 11-mart 2019 jil.

REZYUME. Maqolada nodavlat notijorat tashkilotlarining O‘zbekistonda xotin-qizlar harakatini rivojlantirishdagi o‘rni, ularning jamiyatdagi ayollarning roli va maqomini oshirishdagi vazifalari o‘rganiladi. O‘zbekiston Respublikasining xotin-qizlar masalalari bo‘yicha normativ-huquqiy hujjatlari, ayollarni ijtimoiy himoya qilish masalasi ko‘rib chiqildi.

РЕЗЮМЕ. В статье изучается роль Негосударственных Некоммерческих организации в развитии женского движения в Узбекистане, их задачи и функции в повышении роли и статуса женщин в обществе. Рассмотрены нормативно-правовые документы Республики Узбекистан по вопросам женщин, вопрос социальной защиты женщин.

SUMMARY. The article examines the role of non-governmental non-profit organizations in the development of the women's movement in Uzbekistan, their tasks and functions in increasing the role and status of women in society. The normative legal documents of the Republic of Uzbekistan on women's issues, the issue of social protection of women are considered.

ХУСУСИЙ НОДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛЛАРИНИНГ АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ДАРАЖАСИГА ТАСИРИ

А.К.Утепбергенова - катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: оммавий ахборат воситалари, сўз эркинлиги, фуқаролик жамияти, демократия, телевидение, радио, тележурналистика, мухаррир, редакция, телевизор.

Ключевые слова: СМИ, свобода слова, гражданское общество, демократия, телевидение, радио, тележурналистика, редакция, редактор, телевидение.

Key words: media, freedom of speech, civil society, democracy, television, radio, television journalism, editors, editorial, television.

Қорақалпоғистонда биринчи марта нодавлат радиостанция «Нукус-FM» радиостанцияси бўлиб, эшиттиришлари 2009 йил 5 сентябр куни 104,7 Мгц частотада эфирга узатилди. Уни марҳум журналист Бахитбек Елманов ташкил этган эди. «Нукус FM» радиоси тўлиқ форматли эфирга эга Қорақалпоғистон Республикасида биринчи тижорат радиостанцияси бўлиб ҳисобланади. «Нукус-FM» дарҳол радио тингловчилари, айниқса ёшлар орасида машҳур бўлди. Барча дастурлар бошқа радиостанциялардан ўзига хослиги ва креативлиги, қизиқарли ва инновацион ёндашуви билан ажралиб турарди. Дастлаб «Нукус-FM» радиостанциясининг радио эшиттириш зонаси

камрови Нукус шаҳри, Тахиатош, Хўжайли ва Кегейли туманининг бир қисми ҳудудида 800 минггача тингловчидан иборат потенциал аудиторияга тарқатилди. Радиостанция асосан ёшларга йўналтирилган бўлиб, ўз эшиттиришлари асосан жонли эфирда ва интенсив мулоқот шаклида олиб борди. [1]

2016 йил 27-июн куни радиостанция янги илғор технологиялар ва компьютер ускуналари билан жиҳозланган янги студияга кўчиб ўтди.

Шу кундан бошлаб «Нукус-FM» радиостанцияси ривожланишининг янги босқичи бошланди. Оммабоп янги дастурлар, жумладан радиостанция ижодий гуруҳи тарафидан «Старт-FM» эрталабки кўнгилочар дастури,

«Омадли кун» кундузги дастурлари таёрланиб, эфирга узатилди. Бугунги кунда «Нукус-FM» радиостанцияси интерфаол ва жонли эфир тарзида эфирни олиб бориш давом этмоқда. Масалан, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ва 14-та нодавлат радиостанцияларнинг қўшма лойиҳасига кўра, тингловчиларни мамлакатимиз ва дунёдаги воқеалар ҳақида янги маълумотлардан тезкор хабардор қилиш мақсадида «Ўзбекистон-онлайн» ахборот дастури ўзбек ва рус тилларида, сўнгра «Ўзбекистон-онлайн» ахборот дастури ишга туширилган эди. 2015-2016 йилдан буён «Нукус-FM» радиостанциясида ҳар ярим соатдан республика буйлаб ва дунё янгиликлари берилиб келмоқда. Мазкур жанрдаги радио эфир Қорақалпоғистонда илк марта амалга оширилганлиги ва умуман радиоэшиттириш соҳасидаги инновацион ёндашиш натижаларига кўра 2016 йили Ўзбекистон электрон ОАВ Миллий ассоциацияси томонидан ташкил етилган «Озод юрт тўлкинлари» номли IX Медиа фестивалида «Нукус-FM» радиостанцияси «Энг намунали радиостанция» номинациясига лойиқ деб топилди. Худди шу йили радиостанция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг гранти соҳиби бўлади. [2]

Қорақалпоғистон минтақасида энг биринчи нодавлат телеканал «Ellikqal'a mahalliy televideniyesi» МЧЖ тарафидан таъсис этилган «Ellikqal'a TV» канали ҳисобланади. «Ellikqal'a TV» канали 2003 йил 3 февралдан бошлаб эфирга узатила бошланган. Дастлаб ушбу телеканал сигналлари етказиш Эллиққалъа худуди, Тўрткўл ва Беруний туманлари яқинидаги аҳоли пунктлари билан чекланган эди.

Рақамли форматга ўтгандан сўнг, «Ellikqal'a TV» каналининг сигнал узатиш доираси кенгайди ва ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудида СД форматида кузатилмоқда. «Ellikqal'a TV» канали маъмурияти тарафидан берилган маълумотларга кўра, унинг қамраб олиш аудиторияси тахминан 4,9 миллион кишини ташкил қилади. [3]

Ёшлигига қарамасдан, «Ellikqal'a TV» канали Ўзбекистон миқёсида ҳам танила бошлаган. 2014 йили «Ellikqal'a TV» канали таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат жамғармаси томонидан эълон қилдинган грант танловида «Саломатлик сабоқлари: юкумли касалликлардан эҳтиёт бўлинг» лойиҳаси билан қатнашиб, грант соҳиби бўлди. Ушбу жамғарманинг 2016 йилги грант танловида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари, хусусан бола ҳуқуқлари ва эркинлиги, қонуний манфаатларига оид қонун нормаларининг таъминланиши ва бажарилишини холисона, тизимли ва кенг ёритиш буйича фаолияти учун, 2019 йил эса – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажарилишини холисона, тизимли ва кенг ёритганлиги учун ғолибликни қўлга киритиб, 2021 йили «Ellikqal'a TV» канали «UZBEKISTAN MEDIA AWARD 2021» танловида «Йилнинг энг яхши худудий телеканал» номинациясида ғолибликни қўлга киритган. [4]

2021 йил давомида худудимизда, хусусан Эллиққалъа туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, ҳамда Давлат дастурларининг жойлардаги ижросини кенг ёритиш, аҳолини тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш мақсадида ҳар куни 20 дақиқалик «Янгиликлар» ахборот информацион дастури 4 марта эфирга узатилиб, дастур орқали жами 10 ой давомида йил давомида 6000 дан кўпроқ лавҳа ва репортажлар, ҳар бир дастур давомида «Қиска хабарлар» рукнида экранда ўтувчи матн орқали кун давомида 10 дан ортиқ, жами 18000 га яқин қиска хабарлар эфирга узатилган. Аҳамиятли жихати шундаки, «Ellikqal'a TV» канали маъмуриятининг маълумоти буйича ҳозирда теле томошабинларнинг тахлилий-танқидий, ижтимоий-сиёсий ахборотларга бўлган кизиқиши ортган. [5]

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида рўйхатга олинган «Amudaryo televideniyesi» 2008 йили феврал ойидан бошлаб синов трансляцияларини амалга ошира бошлаган. «Amudaryo televideniyesi» масъулияти чекланган жамият ҳисобланади, аммо унинг устав капиталида давлат (Амударё тумани ҳокимлигининг) улуши 51 фоизни ташкил етади. Унга Ғуломжон Ешниёзов раҳбарлик қилади. Бу ерда 5 киши доимий иш билан таъминланган. «Amudaryo

televideniesi» ССД-10-У1 ускунасидан 45-ТВК телеканаллари частотаси орқали ҳавога чиқиш ва «Манғит РЦ» сигналларни узатиш тизими орқали эфирни тарқатиш учун мослаштирилган.

«Amudaryo televideniesi» телеканали ўз фаолияти давомида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий ва тарбиявий кўрсатувлари билан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, аҳолини яна да ҳуқуқий онгини, дунёқараши ва маънавиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Айниқса, туркум кўрсатувлар ташкил қилиш ва эфирга ўзатиш орқали аҳолини ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг чегара худудида жойлашган Амударё туманида тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш – телеканал таҳририятининг асосий мақсади деб белгиланган. [6]

Халқимизни тезкор ахборот билан таъминлаш, ахборот бозорини ривожлантириш Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, «Amudaryo televideniesi» мамалакатимизда, хусусан, туманда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий, маънавий, қишлоқ ва халқ хўжалиги ҳам да бошқа соҳалардаги янгиликларни кенг ёритишни, миллий кадрятларимизни тарғиб қилувчи, маданий дам олиш ва кўнгил очар кўрсатувлар таёрлашни, тижорат каналини ташкил қилиш йўли билан ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи канал сифатида фаолият юритиб келмоқда.

«Amudaryo televideniesi»да ўз фаолиятни олиб бориш учун ижара асосида фойдаланилаётган воситалар мавжуд: 2011 йили 21 январда Манғит РРТМ (Туман радио телевидение маркази) билан теле дастурлар тарқатиш буйича шартном имзоланган, эфирга бериладиган концерт, мусиқа дастурларининг муаллифлик ҳуқуқи буйича «Ислоббек-Нурбек» корхонаси билан 2010 йил 30 августдаги шартнома имзоланган.

Кино фильмларни эфирга узатиш буйича ҳам Қорақалпоғистон агентлиги билан шартнома имзоланган. Умуман, теледастурлар «Amudaryo televideniesi» канали таҳририяти томонидан шакллантирилиб келмоқда. Яъний, эфирнинг 20% сиёсий-иқтисодий кўрсатувлар, 10% – янгиликлар, мусиқий кўнгил очар дастурлар 30%, кинофильмлар эса 40% ташкил этиб, дастлабки даврлари хафтанинг сешанба – шанба кунлари ҳар куни 10 соат эфирга

узатишган. [7] Сўнги йиллари «Amudaryo televideniesi»нинг эфирга ўзатиш кўлами кенгаймоқда.

Хусусан, ҳозирги кунда «Amudaryo televideniesi» телеканалининг кўрсатувлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Манғит, Кўнғирот, Муйноқ шаҳарларидаги, шунингдек қўшни Хоразм вилояти туманларига рақамли телеузаткичлар орқали эфирга узатишмоқда. Бугунги кунга келиб телеканал орқали эфирга узатилаётган кўрсатувлар даврийлиги ҳар куни 18 соатни ташкил қилади. Рақамли форматда эфирга тарқатиладиган «Amudaryo televideniesi» каналининг теледастурларни халқимиз менталитетига мос, унинг бой тарихий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилувчи, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, теледастурларнинг ҳилма-ҳиллиги, мазмунан ва ижодий жиҳатдан савияси юқори бўлган кўрсатувлар билан бойитиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Янги даврда телеканал таҳририятининг асосий мақсади ёшлар онгида миллий демократик ғоясининг қарор топишига ҳисса қўшиш, эришилган маърифий-ахлоқий, тарихий ютуқлар ва ҳамда аҳолининг маънавий аҳборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъи-харакатларга муносиб ҳисса қўшиш ҳамда ёшларнинг мароқли дам олишига эътибор қаратиш хисобланади. Шунингдек, «Amudaryo televideniesi» таҳририяти соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, барча ёшлар орасида оила маънавиятини юксалтиришга ҳамда маданият, илм-фан, санъат ва иқтисодиёт, спорт соҳасидаги ютуқларни, ишлаб чиқариш ҳақида маълумот ва рекламаларни тарқатиш, эшиттириш ва ахборотларнинг омма орасида тарқатилишини асосий вазифа сифатида эътироф этган. [8]

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда тезлик билан ривожланаётган яна бир нодавлат телеканал – «Jaslar TV» 2018 йили ўз фаолиятини бошлади. Ўшбу телеканал таъсисчиси ҳозирги кунда Минайим Палъанова бошқарадиган «Nukus sayahat» МЧЖси ҳисобланади. Телеканалнинг умумий кўрсатув (эфир) кўлами кунига 18 соатни ташкил этиб, асосан ёшлар аудиториясига ўз эътиборини қаратади. Умумий эфирга чиқиш ҳажмининг 10%-и хабарлар, шунингдек, маданий-маърифий дастурлар (20%), мусиқий ва кўнгилочар дастурлар (30%), бадий ва телевизион фильмлар, сериаллар ва мультфильмлар (30%), реклама (10%) этади.

Ўшбу телеканал тахририятининг асосий мақсади ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясининг қарор топишига ҳисса қўшиш, эришилган маърифий-ахлоқий, тарихий ютуқлар ва ҳамда аҳолининг маънавий аҳборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъи-харакатларга муносиб ҳисса қўшиш ҳамда ёшларнинг мароқли дам олишига эътиборни қаратиш ҳисобланади. Тахририят шунингдек, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, барча ёшлар орасида оила маънавиятини юксалтиришга ҳамда маданият, илм-фан, санъат ва иқтисодиёт, спорт соҳасидаги ютуқлари, товарлар ҳақида маълумот ва рекламаларни тарқатиш, эшиттириш ва аҳборотларнинг омма орасида тарқатилиши асосий вазифа деб белгиланган. «Jaslar TV» телеканали аввал Нукус, сўнгра Хўжайли, Кўнғирот, Чимбой, Шуманой, Амударё, Қанликул, Нукус туманлари ҳудудида ўз сигналларини тарқатиб келмоқда. Ўзига ҳос бўлган кўрсатувлари ёшлар орасида кенг тарқалган, масалан, «The best day», «Сәлем жаслар» кўрсатувлари тонгги эфирда ҳар куни ўзатилади.

Шунингдек, «Қорақалпоғистон online» ин-формацион дастури ҳар куни соат 9-да, кечки 19-да ва 21-да эфирга қорақалпоқ тилида ўзатилиб келмоқда.

Телеканал фаолияти Ўзбекистон телекоммуникация тизими раҳбарияти томонидан ҳам

тан олиниб, 2018 йили IX медиа фестивалда «Озод юрт тўлқинлари» номинацияси ғолиби бўлиб, алоҳида грант ажратиб берилди. 2020 йили эса Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг «Хошамет – 2020» номинацияси ғолиби бўлди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясининг «Журналистлар баҳори – 2020» медиа фестивалида «Энг яхши видеоролик» номинацияси буйича коронавирусга қарши курашга бағишланган видеороликлар туркуми билан ғолиб деб топилди. [8]

«Jaslar TV» тахририяти инфорацион, бадий-муסיкий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, оммабоп кўнгилочар ва спорт кўрсатувлари бўлимларидан иборат.

Инфорацион кўрсатувлардан «Қорақалпоғистон online» хафтасига 5 кун эрталаб ва кечкурун 10-дақиқалик дастур билан эфирга ўзатилган. Бадий-муסיкий бўлими эфирга «Сәлем жаслар», «ТВ саяхат», «Жаслар Live», «Сазлыкеш», «Жаслар хит парадь», «Стоп-кадр», «Мухаббатым» номли кўрсатувлар, ток шоулар ўзатган.

Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий кўрсатувлар бўлими эфирга «Жаслар хабарь» (Ёшлар ахбороти), «Инсон ва қонун», «Сиз сўйген қосықлар тарийхи», шунингдек, «Мийманда», «Билим ринг», «Кибер спорт», кўрсатувлари ўзатмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари ҳақида» Қонуни // <https://lex.uz/acts/139004>
2. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://lex.uz/docs/1106870>
3. Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПФ-3678-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/902646>.
4. «Нукус-FM» канали маъмуриятининг инфорацион маълумоти. 2022 йил. Муаллифнинг шахсий архиви.
5. «Ellikqal’a TV» канали маъмуриятининг инфорацион маълумоти. 2022 йил. Муаллифнинг шахсий архиви.
6. «Ellikqal’a TV» телеканалининг жорий хўжжатлари. 2021 йил.
7. «Amudaryo televideniyesi» телеканални маъмуриятининг инфорацион маълумоти. 2022 йил. Муаллифнинг шахсий архиви.
8. «Jaslar TV» телеканални маъмуриятининг инфорацион маълумоти. 2022 йил. Муаллифнинг шахсий архиви.

РЕЗЮМЕ. Моқолада Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборат воситаларини қўллаб-қувватлаш, хусусан, Қорақалпоғистонда хусусий радио ва телевидениенинг пойда бўлиши моддий-техник базасининг кенгайиши ҳамда нодавлат теле ва радиоканалларни очиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар таҳлил этилади. Асосан, «Нукус-FM», «Элликқалъа ТВ»,

«Тўрткўл ТВ», «Жаслар ТВ», «Амударё ТВ» телерадио каналларинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб мулоҳазали фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются изменения, связанные с поддержкой негосударственных СМИ в Узбекистане в годы независимости, в частности, появление регионального радио и телевидения в Каракалпакстане, дальнейшее расширение материально-технической базы и открытие негосударственных телерадиоканалов. В основном, много размышлений было высказано о появлении телеканалов «Нукус-FM», «Эллиққалъа ТВ», «Тўрткўл ТВ», «Жаслар ТВ», «Амударё ТВ».

SUMMARY. The article analyzes the developments related to the support of non-state media in Uzbekistan in the years of independence, in particular the emergence of regional radio and television in Karakalpakstan, the further expansion of the material and technical base and the opening of non-state television and radio channels. Basically, many thoughtful opinions are expressed about the emergence of radio channels «Nukus-FM», «Ellikkala'a TV», «Turtkul TV», «Jaslar TV», «Amudarya TV».

PEDAGOG INSANNIŃ JUMIS ISKERLIGINIŃ RAWAJLANIŃ BARIWINDA KEYS TEXNOLOGIYASI

S.E.Uzakov- oqitwshi

Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat instituti Nókis filiali

Tayanch soʻzlar: pedagog insonning faoliyati, keys texnologiyasi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, yangi standartlar, dasturiy taʼlim, zamonaviy texnologiya.

Ключевые слова: педагогическая деятельность человека, кейс-технология, информационно-коммуникационные технологии, новые стандарты, программное обучение, современные технологии.

Key words: human pedagogical activity, case technology, information and communication technologies, new standards, software training, modern technologies.

Talimde zamanagóy talaplardı támiyinlew kóplegen tiyisli, jańa texnologiyalar hám olardan biri pedagog insanniń jumis barısında keys texnologiyası.

Informacion-kommunikaciya texnologiyaları, jańa standartlar, dástúriy tálim, zamanagóy tálim, bilim, kónlikpe hám kónlikpeler kórinisindegi dástúriy tálim bolıp tabıladı, haqıyqıy iskerlikti rawajlanıwın qalıplestiriwin talap etedi. Hár qanday tarawdağı jaǵdaylar (anglichan tilinde, jumıs) arawlı bir jaǵday yamasa hádiyseniń xarakteristikası: social, ekonomikalıq, medicinalıq hám basqalar.

Qaǵıyda jol menen de, gilt tek ǵana xarakteristikada, bálki arawlı bir mashqala yamasa qarama-qarsılıqtı óz ishine aladı jáne bul haqıyqıy faktlarǵa tiykarlanadı. Solay etip, jumıstı sheshiw ushin usınıs etilgen jaǵdadı analizlew arqalı optimal sheshimdi tabıw kerek.

Ámeliy jónelis. Jumıs usılı teoriyalıq bilimlerdi ámeliy mashqalalardı sheshiwde qollaw imkaniyatın beredi. Bul jantasıw bizneske hám procesler haqqında sap akademikalıq tálimdi asırıw, studentlerdiń bilimin asırıw yamasa pedagog insanniń jumis barısında shınıǵıw islew arqalı úyretiw bul ótiwge qaraganda keńlew bilim beredi.

Interaktiv formattıń bar ekenligi. Pedagog insanniń jumis barısında keys usılı studentlerdiń joqarı sezimi hám aktiv qatnası sebepli materialdı jáne de nátiyjeli ózlestiriwdi támiyinleydi.

Arnawlı kónlikpelerdi asırıw. Pedagog insanniń jumis barısında jumıs usılı, barlıq haqıyqıy jumıs hám jumıs procesinde júdá zárúr bolǵan jumsaq kónlikpelerdi jaqsılawǵa múmkinshilik beredi.

Ulıwma bilimlendiriwdiń mámleket bilim beriw standartları studentlerdiń ózligi onıń aldındağı tiykarǵı soraw retinde, rawajlanıwın asıradı. Pedagog insanniń jumis barısında jańa standartlardı ámelge asırıwda tiyisli háreketler sistemasınan paydalanıwdı talap etedi. Usı waqıtta tálim texnologiyalarıda, informacion-kommunikaciya texnologiyaların (AKT) engiziw de ózgerip atrı temanı úyreniw kólemin keńeytiw maqsetinde, bul jańa múmkinshilikler jaratadı. Oqıtıwshı aldında bilim, kónlikpe hám ádetlerdi toplawǵa qaratilǵan dástúriy shınıǵıwlar student shaxsın rawajlandırıwǵa qaratilǵan. Onı maqsetli oqıw procesine aylandıırıw mashqalası bar edi. Oqıw procesinde, jańa texnologiyalardan paydalanǵan halda sabaqtıń dástúriy formasınan alıslaw, tálimniń klassik modelin jańa sharayatlarda ámelge asıratuǵınlıǵı anıqlandı. Metodlar kompleksi: